

Нефтьмаҳсулотларинисотишиқидаги

02/42-сонли ШАРТНОМА

Фарғона шаҳри

2022 й. “25”январ

Кейинги ўринларда “**Таъминотчи**” деб аталувчи “Фарғона нефт базаси” масъулияти чекланган жамияти номидан Низом асосида фаолият юритувчи директори в.в.б. А.А.Абдуганиев бир томондан ва “**Истеъмолчи**” деб **Маргилон шаҳар Ободонлаштириш бошкармаси** номидан Низом асосида иш юритувчи раҳбари III. Рахимов иккинчи томондан, ушбу шартномани куйидагилар хақида туздилар.

1. ШАРТНОМА МАЗМУНИ

1.1. “**Таъминотчи**” Республика хом ашё биржаси савдоларида ютиб олган Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи МЧЖнинг нефть маҳсулотларини Ўзбекистон Республикаси Президентининг “**Нефт-газ тармоғининг молиявий барқарорлигини ошириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида**”ги 2020 йил 4 апрелдаги ПҚ-4664-сонли қарорига асосан ўтган ҳафтада биржа савдоларида шаклланган ўртача котировка нархларида “**Истеъмолчи**”га сотади.

1.2. “**Таъминотчи**” Республика хом ашё биржаси савдоларида ютиб олган Фарғона нефтни қайта ишлаш заводи МЧЖ ва бошқа ишлаб чиқарувчилар, шунингдек импортёрлардан сотиб олинган нефть маҳсулотларини Ўзбекистон Республикаси Президентининг “**Нефт-газ тармоғининг молиявий барқарорлигини ошириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида**”ги 2020 йил 4 апрелдаги ПҚ-4664-сонли қарорига асосан биржа савдоларида сотиб олинган нарх устига узинин үстамасини кўйиб “**Истеъмолчи**”га сотади.

1.3. “**Таъминотчи**” “**Истеъмолчи**”нинг буюртмаси асосида тегишли русум ва микдорлари нефтьмаҳсулотлариниетказиб бериш, “**Истеъмолчи**” эсаётказиб берилган нефть маҳсулотларини қабул қилиб олиш ва ҳакини тўлаш мажбуриятлариниушбу шартномада келишилган шартларда бажаришни ўз зиммаларида оладилар.

1.4. “**Таъминотчи**”нинг (“Фарғона нефт базаси” МЧЖ ёки унинг филиалларининг) тасарруфилда мавжуд бўлган резервуарларда (АЁҚШ ёки ФЁТШларида) “**Истеъмолчи**”нинг 1 тонна нефть маҳсулотларини сақлаганлиги. “**Истеъмолчи**”нинг буюртмасига асосан унинг техникаларига нефть маҳсулотларини кўйиб берганилиги учун “**Истеъмолчи**” “**Таъминотчи**”га 1 суткага 3580 сўм микдорида хизмат ҳаки тўлайди.

“**Таъминотчи**” (“Фарғона нефт базаси” МЧЖ ёки унинг филиаллари) мавжуд бўлган резервуарларда “**Истеъмолчи**”нинг нефть маҳсулотларини сақлаганлиги. “**Истеъмолчи**”нин буюртмасига асосан унинг техникаларига нефть маҳсулотларини кўйиб берганилиги учун “**Истеъмолчи**”га ҳар ой якуни бўйича алоҳида ҳисоб-варака (счёт-фактура) тақдим этади.

“**Истеъмолчи**” ҳисоб-варака (счёт-фактура) олган кундан бошлаб 10 (үн) кун мобайнича тұловни амалга оширади.

1.5. “**Таъминотчи**” “**Истеъмолчи**”нинг нефть маҳсулотларини сақлаш жараённида нефть маҳсулотлари туридан келиб чиқиб “**Нефть, газ конденсати ва нефть маҳсулотларини қабул қилиш, сақлаш, ташиш, бериш ва ҳисобга олиш бўйича Йўрикнома**”га асосан ҳар ой якуни бўйича “**Истеъмолчининг**” нефть маҳсулотига

“табиий йўқотиши” кўллади (табиий йўқолган нефть маҳсулоти “Таъминотчи” томонидан коплаб берилмайди).

2. НЕФТЬ МАҲСУЛОТЛАРИ НАРХЛАРИ ВА ҲИСОБ–КИТОБ ТАРТИБИ

2.1. Шартноманингтахминийумумийсуммаси **2396780 сўм 39 тийинни** ташкилкилади.

2.2.“Таъминотчи”“Истеъмолчи”нинг буюртмаси олинган куни сотилиши сўралган нефт маҳсулотларининг ўша кундаги жорий нархларини унга маълум қиласи. “Истеъмолчи” мазкур нархлар асосида буюртмадаги нефть маҳсулотлари партиясининг тегишлихажми учун 100 фоиз олдиндан тўловларни амалга оширади.

2.3. Сотиладиган нефть маҳсулотлари учун тўловлар “Таъминотчи”нинг банкдаги ҳисоб ракамига пул ўтказиш, пластик карточкалар ва нақд пул шаклида амалга оширилади.

3. НЕФТЬ МАҲСУЛОТЛАРИНИ СОТИШ ТАРТИБИ ВА МУДДАТЛАРИ

3.1. Нефт маҳсулотлари “Таъминотчи”нинг омборидан ёки унга қарашли филиаллардан “Истеъмолчи”нинг буюртмаси ва унда етказилиши сўралган нефть маҳсулотлари учун тўловлар келишилган муддатда олдиндан 100% амалга оширганлигини тасдиқловчи тўлов хужжати нусхаси тақдим этилганда сотилади.

3.2. Нефть маҳсулотлари “Истеъмолчи”га унинг сўровига асосан “Таъминотчи”нинг маҳсус автотранспортида белгиланган тартибда етказиб берилиши мумкин. Нефть маҳсулотларини шунингдек “Истеъмолчи” томонидан барча ёнгин ва техника хавфсизлик талабларига риоя қилиш бўйича масъулиятни ўз зиммасига олган ҳолда ўзига тегишли ёки ижарага олинган маҳсус транспорт воситасида олиб кетилиши мумкин ва бундай ҳолатда ташиш харажатлари қайта кўриб чиқилмайди.

3.3. Нефтьмаҳсулотлари омборига нефтьмаҳсулотиниташувчи автомобил цистерналари 1510-84 Давлат стандарти талабига жавоб бериши шарт. Акс ҳолда автотранспорт воситалари омбор худудига киритилмайди ва уларга нефть маҳсулотларининг қуилишига рухсат этилмайди. Бундай автотранспорт воситалари бўш кетган ҳолларда “Таъминотчи” жавобгар бўлмайди.

3.4. Нефть маҳсулотлари қуилиган автоцистерналар (Истеъмолчи”нинг автотранспортида олиб кетиш ҳолатлари бундан мустасно) “Истеъмолчи”нинг талабига биноан “Таъминотчи”нинг ёки унинг бўлинмалари томонидан амалдаги меъёрий техник хужжатларга (2417-85 давлат стандартига) мос тарзда тамғаланади.

4. НЕФТЬ МАҲСУЛОТЛАРИНИ ҚАБУЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

4.1. Нефть маҳсулотлари микдор бўйича қабул қилиш “Ишлаб чиқариш техника ва халқ истеъмоли молларини микдор жиҳатдан қабул қилиб олиш тартиби тўғрисида”ги П-6-сонли ва сифати бўйича эса “Ишлаб чиқариш техника ва халқ истеъмоли молларини сифат жиҳатдан қабул қилиб олиш тартиби тўғрисида”ги П-7-сонли йурикномалар ҳамда бошқа меъёрий хужжатлар талаблари асосида амалга оширилади.

4.2. “Истеъмолчи”нинг вакили нефть маҳсулотларини олаётган вақтда маҳсулотнинг сифати ва микдорини жойида текшириб олади.

4.3. Нефть маҳсулотларини сотилганлиги тўғрисидаги тегишли хужжатлар “Таъминотчи”нинг омборида ёки унга қарашли филиалларда расмийлаштирилади ва уларни “Истеъмолчи” томонидан бунга ваколат берилган ишончнома асосида вакили имзолайди ва нефть маҳсулотларини қабул қилиб олади. Эгалик ҳукуқи тасодифий

нобуд бўлиши, нефтьмаҳсулотларига зиён етиш хавфи “Таъминотчи” омбори ёки АЁҚШҳудудидан чиқсан вактдан бошлаб “Истеъмолчи”га ўтади.

5. НЕФТЬМАҲСУЛОТЛАРИНИНГ СИФАТИ

5.1. “Таъминотчи”“Истеъмолчи”га сифати Давлат стандартларига ва техник шартларга жавоб берадиган нефть маҳсулотларини сотишни кафолатлайди. Сотилаётган нефтьмаҳсулотларининг сифати 1510- ва 2517-сон Давлат стандартлари ва техник шартларга мос бўлиши хамда бу нефтьмаҳсулотлариниавтотранспорт воситаларига юклаш ва ташиб етказилиши кузатилишига оид расмийлаштирилган хужжатларда қайд этилиши лозим.

5.2. Нефть маҳсулотларини олишда“Истеъмолчи” уларнинг сифатини, шунингдек сифат паспортини талаб қилиш хукуқига эга.

6. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

6.1. Томонлар ушбу шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажармаганликлари ёки лозим даражада бажармаганликлари учун Ўзбекистон Республикаси фукаролик Кодексига ва “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хукукий базаси тўгрисида”ги қонунига биноан жавобгар бўладилар.

6.2. “Таъминотчи” нефть маҳсулотларини ўз вақтида етказиб бермаганлик учун ҳар бир кечикирилган кун учун вақтида етказилмаган нефть маҳсулотлари суммасининг 0,1 фоизи, лекин 10 фоизидан ортиқ бўлмаган микдорда пеня тўлайди.

6.3. “Таъминотчи” нефть маҳсулотлари сифатини ўз ҳисобидан тиклаб бериш билан бир каторда “Истеъмолчи”га етказиб берилган сифати лозим даражада бўлмаган нефть маҳсулоти қийматининг 5 фоизи микдорида жарима тўлайди.

6.4. “Истеъмолчи” белгиланган муддатда олинмаган ва етказиб берилган нефть маҳсулотларини олишдан сабабсиз бош тортганлиги учун “Таъминотчи”га олинмаган маҳсулот умумий қийматининг 5 фоизи микдорида жарима тўлайди ва таъминотчи олинмаган маҳсулот учун маҳсулотнинг тўлиқ қийматини ундириш хукуқига эга.

6.5. “Истеъмолчи”узининг худудига олиб келинган нефть маҳсулотларини қабул қилишда амалдаги ёнгин ва техник хавфсизлиги талаб ва меъёрларига тўлиқ амал килинишига жавобгардир.

6.6. “Истеъмолчи”етказиб берилган нефть маҳсулотларини сақлашнинг техникавий шарт-шароитлари ва хавфсизлиги учун амалдаги қонунларда назарда тутилган тартибда жавоб беради.

6.7. Томонлар хамда уларнинг вакиллари мазкур шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажараётганда Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга қарши курашиш тўгрисидаги қонун хужжатларининг талабларига зид келадиган ҳар кандай ҳаракатларни амалга оширмайдилар, томонлар ушбу ҳаракатларга йўл қўймаслик бўйича чоралар кўрилишига кафолат беради.

7. ФОРС-МАЖОР ҲОЛАТЛАР

7.1. Томонлардан бирортаси ушбу шартнома бўйича ўз мажбуриятини бажармаган ёки лозим даражада бажармаган ва бунга форс-мажор ҳолатлар, яъни енгиб бўлмайдиган куч (фавқулотда ва муайян шароитларда олдини олиб бўлмайдиган вазиятлар (зилзила, қурғоқчилик, сув тошқини, ёнгин, сел, дўл, жала ва бошқа табиий оғатлар) сабаб бўлганлигини исботласа, жавобгар бўлмайди.

8. ТОМОНЛАРНИНГ КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ БҮЙИЧА МАЖБУРИЯТЛАРИ

8.1. Шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажаришда Томонлар коррупцияга қарши кураш бўйича қоидаларга, шу жумладан амалдаги қонунларга риоя этилишини таъминлайди; яъни томонлар бир-бирига ёки давлат иштирокидаги ташкилот ходимига пора бериш ёки беришда воситачилик қилиш, моддий ёки номоддий наф олишдан тийилиши лозим. Томонлар ушбу харакатларнинг олдини олиш бўйича чора-тадбирлар қабул қилишини кафолатлайди.

8.2. Томонлар коррупцияга қарши қоидалар бузилганда ёки асосли гумонлар юзага келганда дархол ёзма равишда (электрон почта орқали) ёки ишонч телефони орқали бир-бирини хабардор қилиш мажбуриятини олади. Бунда томонлар юзага келган холатга ойдинлик киритиш мақсадида ёзма изоҳ талаб қилиш хукуқига эга ва мурожаатни олган томон 10 (үн) иш куни мобайнида тушунтириш бериш ёки ўз фикрини билдириши мумкин.

8.3. Давлат харидлари соҳасида коррупциянинг олдини олиш борасида:

давлат харидларини амалга ошириш тартиб-таомиллари тўғрисидаги ахборотнинг шаффоғлиги ва очиқлигини таъминлаш;

адолатли ракобатни ва қарорлар қабул қилиш чоғида холисона мезонлардан фойдаланилишини таъминлаш;

ички назоратнинг самарали тизимини, шунингдек давлат харидларини ўtkазиш натижалари юзасидан шикоят қилиш ва низолашишнинг самарали тартиб-таомилини яратиш;

давлат электрон савдоларининг самаралии шлашини таъминлаш бўйича чора-тадбирларни амалга оширади.

8.4. Мазкур шартнома томонлари қонунчиликка риоя этиши, ўз мансаб ва хизмат мажбуриятларини беғаразлик билан, холисона, вижданан, одоб-ахлок қоидаларига риоя этган ҳолда бажариши ҳамда коррупцияга оид бирор-бир хукуқбузарликни содир этишдан ва бундай хукуқбузарликларни содир этиш учун шарт-шароитлар яратадиган бошқа ҳар қандай харакатлардан ўзларини тийишлари шарт.

8.5. Мазкур бобнинг талаблари бажарилмаганда, шу жумладан белгиланган муддатда коррупцион хавф-хатар бартараф этилмаса, томонлар амалга оширган чоралар коррупцион холатни пасайишига олиб келмаса, бошқа томон шартномани бекор қилиш хукуқига эга ёки унинг ижросини тўхтатиб кўйиши мумкин.

9. БОШҚА ШАРТЛАР

9.1. Ушбу шартноманинг бажарилишида юзага келадиган ҳар қандай низо ва келишмовчиликлар томонлар ўртасида ўзаро музокара йўли билан ҳал этилади. Келишувга эришилмаган тақдирда эса низолар белгиланган тартибда иктисодий судлар орқалиҳал этилади.

9.2. Шартномага киритиладиган ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар ёзма равишида бўлиб, ҳар иккала томон имзолагандан кейингина ҳақиқий ҳисобланади.

9.3. Ушбу шартнома 2 нусхада тузилди ва тенг хукуқий кучга эга.

9.4. Шартноматомонлар ўртасида имзоланганкунданкучгакирадива 2022 йил 31 декабргачаамал қиласи.

10. ТОМОНЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ

“ТАЪМИНОТЧИ”

“Фарғона нефт базаси” МЧЖ
Манзили: Фарғона шаҳар
Тегирмон қўчаси 141-уй.
СҚБ Яшнобод филиали
x/p: 22604000800215485702
23210000300215485333
МФО: 00432
ИНН: 201104250



Рахбар: А.Абдуганиев
М.ў

“ИСТЕЪМОЛЧИ”

Маргилон шаҳар Ободонлаштириш бошкармаси
Мустакиллик 452а
Ш x/p 100022860304127064100110001
СТИР 200138992 ОКНХ 90290
Молия вазирлиги газначилиги
x/p23402000300100001010
ИНН 201122919
Марказий банк Тошкент ш. ХККМ
МФО 00014

Рахбар: Ш. Рахимов
М.ў

ҲУҚУҚИЙ ҲУЛОСА

Ушбу шартномалойиҳаси Узбекистон Республикаси Фуқаролик Кодекси ва “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятиниң шартномавий ҳуқуқий базаси тўғрисида” ги Қонунива бошқа конунхужжатлариталабларига жавоб беради. Ушбу шартномани имзоласа бўлади деб хисоблайман.

Юридик бўлим бошлиғи:

Н.Ахунташев



2022 йил “” 17 январ №02/42-сонли шартномага 1 илова

“БҮЮРТМАЧИ”

Маргилон шаҳар Ободонлаштириш бошкармаси

“Фаргона нефт базаси” МЧЖ

СПЕЦИФИКАЦИЯ

№	Нефт маҳсулотлари номи	Ўлчов бирлиги	1 тоннаси нарҳи	Миқдори, тонна	Умумий суммаси
	Автобензин АИ-80	тн	10 420 784,30	0,23	2396780,39
	Автобензин АИ-91	тн	12 470 610,00	-	-
	Дизель ёнилгиси	тн	11 592 841,47	-	-
	Дизель ёнилгиси ЭКО	тн	11 251 570,00	-	-
	Жами:				

Изоҳ: Дизел ёқиғисининг нарҳи Ўзбекистон Республикаси товар хом ашё 05-01-2022-08-01-2022-йил кунлардаги (утган хафтадаги) шаклланган ўртача биржса котировка нархларида езилади. Уишибу нарҳ 17.01.2022 иш кунигача амал қилади.

Автобензин маҳсулотига биржаса электрон савдолари орқали сотиб олинган маҳсулот нарҳига нефт база устамаси қўлланилди.

Үмумий жами: 2396780 сум 39 тийин (Икки миллион уч юзтуксон олти минг етти юз саксон сум 39 т.)

Мазкур спецификация икки нусхада тузилди.

“ТАЪМИНОТЧИ”

“БУЮРТМАЧИ”

А.А.Абдуганиев

Ш. Рахимов



Юридик бўлим бошлиғи:

Н.Ахунташев

YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN NORMALARIGA
MUVOFIQLIGI TO‘G‘RISIDA HUQUQIY
X U L O S A

17.01.2022-yil

Marg‘ilon shahar

1. Loyihaning turi: Shartnoma. № 02/42

2. Loyihaning nomi: Marg‘ilon shahar hokimligi Obobdonlashtirish boshqarmasiga “Фарғона нефт базаси” MCHJ tomonidan jami 2 396 780 so‘m 39 tiyinlik Al-80 avtobenzin etkazib berish to‘g‘risida.

3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqida ma’lumot:
Marg‘ilon shahar hokimligi Obobdonlashtirish boshqarmasi va “Фарғона нефт базаси” MCHJ o’rtasida tuzilib ishlab chiqilgan va 17.01.2022-yil kuni dasturga kiritilgan.

Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga asosan ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq.

Marg‘ilon shahar YuXK markazi
bosh yuriskonsulti:-



M.Miraxmedov